

Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта бўлади.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 18-yanvar, chorshanba № 5 (8446)

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Навоий шахрида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Навоий давлат педагогика институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида давлатимиз раҳбарининг ушбу китобида мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши тарихи билан боғлиқ муҳим воқеалар ҳақида ишончли маълумотлар жамлангани, жумладан, истиқдолга эришиш жараёнида Ўртбошимиз кўрсатган жасорат ва матонат акс этгани алоҳида таъкидланди.

— Президентимиз китобида миллий истиқдолга эришишнинг мураккаб жараёни, демократик давлат барпо этиш йўлида узоқни кўзлаб олиб борилган халқий сиёсатнинг мазмун-мо-

ҳияти, мустақиллик ўз-ўзидан, осонлик билан қўлга киритилмагани асосли далиллар, ҳаётий мисоллар асосида очиб берилган, — дейди Навоий давлат педагогика институтининг тарих фани ўқитувчиси, профессор Мансур Олтинов. — Ўта мураккаб, халқнинг эртанги кунга ишончи йўқолган бир шароитда Ислом Каримовнинг қатъияти, жасорати ва матонати туфайли халқимиз мустақил тузум кишанларини парчалаб, миллий истиқдолга эришди.

Тадбирда муҳим тарихий аҳамиятга эга ушбу китобни юртдошларимизнинг ижтимоий дунёқарашини кенгайтириш, тафаккурини юксалтириш нуқтаи назаридан теран таҳқиқ этиш, китобда баён этилган гоё ва қарашларни Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, белгилаб берилган вазифалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлиги қайд этилди.

Ёркул УМАР,
ЎЗА мухбири

Yanvar — tarix va huquq fanlari oyligi



Фанлараро ўзаро боғлиқлик дарс самарадорлигини оширувчи омилардан саналади. Хусусан, тарих, ҳуқуқ фанлари ойлиги доирасида олиб борилаётган дарсларда ҳам бошқа фанлар билан узвий алоқадорлиқнинг натижалари кўринапти. Олмасор туманидаги 219-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Дилором Шарипованинг 9-синфда олиб борган очик дарси ҳам қизгин мунозараларга бой тарзда ўтди. Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳолат мустақилликнинг илк йилларидаги мавжуд вазият билан солиштирма-таққослаш асосида ташкил этилган дарсда ўқувчиларнинг нафақат тарих, балки география, иқтисодий билим асослари фанларидан олган билимлари ҳам мустаҳкамланди. Шунингдек, «Қадимда ва ҳозирда Олимпиада ўйинлари» мавзусида ўтказилган мунозарали дарс ҳам ўқувчиларнинг спортга бўлган қизиқишларининг янада ошишига хизмат қилиши билан аҳамиятга молик бўлди. Мавзу юзасидан ўқувчиларнинг тайёрлаб келган ижодий кўргазмалари уларнинг спортга қанчалик ошно тутинганидан дарак бериб турарди.

Шунингдек, фан ойлиги доирасида ушбу мактаб ўқувчиларининг Темурийлар тарихи давлат музейи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейларига саёҳатга олиб борилиши ва тегишли мавзулар бўйича дарслар ўтилиши таассуротлар билан бир қаторда билимларнинг бойишига хизмат қилапти.

Суратда: 219-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Дилором Шарипова дарс жараёнида. Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ

қандай таъкил этилади?

Иқтидорли болалар юртимиз бойлиги, келажакимиз ишончидир. Уларга ёшликдан эътибор берилиб, қўллаб-қувватланса, ихтирочилар, янгилик яратувчи буюк шахслар етишиб чиқади. Бу, албатта, устоз-мураббийлардан тинимсиз меҳнат, изланиш талаб этади. Иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш, уларнинг билим олишга бўлган иштиёқини ошириш, истеъдодини рўёбга чиқариш, энг аввало, дарсда, қолаверса, дарсдан кейинги машғулотларда амалга оширилади. Қуйида бу вазифани тўлақонли амалга оширишда қўлланиладиган самарали воситалар ва машғулот турларига батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ўқув даргоҳимизда иқтидорли болалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади. Даставвал дарс жараёни (дарс машғулоти, танлов фани) ва дарсдан ташқари машғулотлар режаси тузиб олинади. Дарс ва машғулотларда мавзулар моҳияти чуқур ўзлаштирилади.

Дарсдан ташқари машғулотларда физика-техника тўғраги, «Кичик академия» илмий-тадқиқот

марказидаги ишларга асосий эътибор қаратамиз. Сиртки олимпиада, I бошқач фан олимпиадалари йўналишлари ҳам эътибордан четда қолмайди.

Жараёнда ўқувчиларни керакли манбалар (физикага оид назарий ва амалий китоблар, ахборот ресурслари) билан таъминлаймиз. Уларни «Физика, математика ва информатика», «Ўзбекистонда физика» журналларидаги материаллар ҳамда «ZiyoNET» ахборот таълим портали, Интернет тармоғидан, шунингдек, электрон дарслик (ЭД)лардан унумли фойдаланишга ундаймиз.

Физика фани чуқур ўтиладиган гуруҳларда тест ва масалалар, шунингдек, олимпиада масалаларини ечишда битта масала бир неча хил усулда ечиб кўрсатилса, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқиши янада ортиси тайин. Энг муҳими, иқтидорли ўғил-қизлар билан ишлашда уларнинг руҳий ҳолатини зийраклик билан кузатиб бориш ва ўз кучига ишонидек муҳим хусусиятларининг шаклланишига эътибор қаратаётимиз.

(Давоми 8-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИ ЭКАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

2-бет

ҲАВАС ОРТИДАГИ ЮКСАК МАҚСАДЛАР

3-бет

МАКТАБДАГИ СОҒЛОМ МУҲИТ

бошқа муассасалар учун ҳам ибрат бўлишга қодир

5-бет

ЎҚИТУВЧИ ҲИСОБОТИ

унда нималар акс этиши зарур?

7-бет

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИ ЭКАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Мен украин миллати вакилиман. Барча миллат ва элат вакилларига бирдек эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган Ўзбекистонда туғилиб ўсдим, таълим-тарбия олдим, ҳаётда ўз ўрнини топдим.

Ота-онам Украинада туғилиб ўсган бўлишса-да, уларнинг тақдир йўллари Ўзбекистон билан туташган. Шу ерда оила қуриб, меҳнат қилганлар. Биз, оиладаги беш фарзанд ҳам Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилганмиз. Туман марказидаги 6-мактабда таълим олдим. Кейинчалик ўз қизиқишимизга қараб касб-хунари бўлдим. Акам ва укам отам изидан бориб, транспорт соҳасини танлади. Уч опасингилар эса ўқитувчимиз.

Мен Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олдим. Сўнгра ўзим ўқиган мактабда ўқитувчилик қила бошладим.

Йигирма йилдан зиёд мактабга раҳбарлик қилдим. Бу даврда муассасамиз таълим-тарбия сифатини оширишга алоҳида эътибор қарат-

дик. Айниқса, мустақиллик туфайли, Президентимизнинг таълим соҳасига эътиборлари самарасида юқори натижаларга эришдик. Ўқитувчиларимиз вилоят, мамлакат миқёсидаги танловларда муваффақиятли иштирок этди. 1995 йилдан буён мактабимиз рейтинг кўрсаткичлари бўйича туманда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. 2002 йилда «Йил мактаби» танловининг вилоят босқичида бирин-

ҳаяжон умримнинг энг унутилмас дақиқалари бўлиб қолди.

Туман марказидаги «Мустақиллик» маҳалламизда мени барча «муаллима опа», деб ҳурмат қилади. Тўй-маъракалар, байрам тадбирларини турли миллат вакиллари ҳам-жихат бўлиб ўтказамиз. Тўйларда ёшларга тилак билдиринг деб, кўпинча менга сўз беришади. Шунда маҳалладошларимни ўзбек ва украин тилларида табриклайман,

миз отаси касбини танлаб, ҳозир пойтахтимиздаги автокорхонада меҳнат қиялпти. Кенжамиз Олег эса ўқитувчиликни танлади. Мактабда болаларга компьютер сирларини ўргатмоқда.

Пенсия ёшида бўлсам-да, ҳамон кадрдон мактабимда ёш ўқитувчиларга устозлик қилиб, ўқувчиларга тарих фанидан дарс бериб келяман. Шогирдларим тез-тез йўқлаб туришади, уларга ҳаёт йўли, тажрибаларимдан сўзлаб бераман.

Бундай бахтга эришимиз, давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишим, ҳеч шубҳасиз, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида барча келаятган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Мен шу муқаддас юрт фарзанди эканимдан фахрланаман.

Людмила ШУЛЬГА,
Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.
(ЎЗА)

Respublika baynalmilal madaniyat markazi tashkil etilganining 20 yilligi oldidan

чи, республикада эса тўртинчи ўринни эгаллади.

Ана шу муваффақиятлар сабаб бўлса керак, 1996 йилда Президентимиз Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. 2007 йилда эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлдим. Давлатимизнинг ушбу нуфузли мукофотини Президентимиз қўлидан қабул қилиб олган чоғимдаги қувонч ва

ёшларга бахт-саодат тилар эканман, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тотувликка кўз тегмасин, дейман.

Оиламизда ҳам ўзбек ва украин халқларининг миллий маданияти, урф-одат ва анъаналари эт ва тирноқдек бир-бирига сингиб кетган. Ота-онамдан ўрганганларимни мен ҳам фарзанд ва набираларимга ўргатыпман. Турмуш ўртоғим – Геннадий Шульга билан икки ўғилни вояга етказдик. Тўнгич фарзанди-

Таълим муассасаларида ўтказилаётган ҳар бир танлов ўқувчилар билимини синовдан ўтказиб, интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини юзага чиқаришга, уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга хизмат қилади. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг Билимлар беллашуви йилдан-йилга такомиллашиб, оммалашиб бораётганлиги, ушбу беллашувларга ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари эътибори ортиб бораётганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Бу йилги Билимлар беллашуви оид яна бир катта янгиллик uzedu портали таркибда www.bellashuv.uzedu.uz расмий сайтининг ишга туширилиши бўлади.

— Маъқур сайтга беллашувларнинг иккинчи босқичидан бошлаб барча маълумотлар жамланади, киритиб борилади,

ларининг масъул ходимлари иштирокида ўқув семинари ташкил этилиб, сайтдан фойдаланиш, уларга маълумотларни жойлаштириб бориш тартиблари ўргатилади. Халқ таълимининг худудий бошқаруви идоралари, умумтаълим мактаблари махсус логин ва пароллар билан таъмин-

Yangilik

умумтаълим фанлари бўйича алоҳида тузиб чиқилади.

Ўтган йили кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар бу йил фан йўналишида бевосита туман босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар, республика босқичи ғолиблари вилоят босқичидан беллашувларни давом эттириш ҳуқуқига эга. Бу эса бир босқичда бир мактабдан икки ўқувчи иштирок этиши, имкониятлар янада кенгайишидан далolat.

ЯНГИ САЙТ:

www.bellashuv.uzedu.uz

— дейди Республика таълим маркази Таълим сифати ва мониторинги бўлими бошлиғи Фурқат Қодиров. — Ушбу сайтда мактаблар ва худудий халқ таълими бошқаруви идораларининг рейтингини автомат тарзда чиқариб берадиган электрон дастур мавжуд бўлиб, жойлаштирилган маълумотларга асосан мактабнинг, туманлар ва вилоятларнинг рейтингини фанлар ва синфлар кесимида аниқланади. Шу билан бирга иштирокчи ўқувчи ва уларнинг ўқитувчиси ҳақидаги барча маълумотлар, эришган натижалари ҳам жойлаштириб борилади.

Туман босқичи бошланадиган арафасида вилоят халқ таълими бошқарма-

ланиб, фақат бир кишига унга маълумот киритиш жавобгарлиги топширилади. Туман босқичидан бошлаб барча хоҳловчилар сайтга ташриф бўлиб, истаган мактаб, туман ва вилоят рейтингини ҳақида маълумотга эга бўлиши, ғолиблар, уларнинг натижалари, ўқитувчилари ҳақида ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши мумкин.

Ихтисослашган давлат умумтаълим мактабларининг тегишли фан йўналишлари бўйича Билимлар беллашуви алоҳида назорат саволлари асосида ўтказилади. Ушбу таълим муассасаларининг рейтингини ихтисослашган фан йўналишлари алоҳида, бошқа

Ташкил этилаётган сайтда Билимлар беллашувининг ўтказилиш тартиби, фанларга оид савол ва топшириқлар, бу борада юқори натижаларни қўлга киритиб келаятган тажрибали ўқитувчиларнинг ўзига хос услуб ва ёндашувлари, мавзуга доир янгилликлар ҳам ўрин олиши кутилмоқда.

Айни кунларда ушбу сайтининг ташкилий, маълумот йиғиш ва дизайн билан боғлиқ ишлари яқунланиш арафасида. Тез кунларда ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар, кенг жамоатчилик эътиборига ушбу сайт ҳавола этилади.

Санжар РУСТАМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон Қуроли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» номли тадбир бўлиб ўтди.

Меҳмонлар В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг дам-ли оркестри ижросидаги мусиқа садолари ва Юнусобод туманидаги 58-мактаб ўқувчиларидан ташкил топган ҳарбий гуруҳнинг марши остида кутубхонанинг кечага байрамона кайфият бахш этди. Тадбирда Халқ таълими вазирлиги, Ташкент умумқўшин қўмондонлик билим юрти ва Марказий офицерлар уйи вакиллари, ўқувчилар иштирок этишди. Халқ таълими вазири Темур Широнов барчани Қуроли Кучларимизнинг 20 йиллиги билан қутлар экан, у ерда йиғилган ёшларга Ватан ҳимоясида улуғ вазифа ол-



дидан пухта тайёрлик қўриш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Юнусобод туманидаги 58-умумтаълим мактабининг 70га яқин ўқувчиларига Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Траст-банк» ҳомийлигида ўқув қуролларидан ташкил топган совғалар топширилди.

— Ёшлар онгига ватанпарварлик, жасурлик туйғуларини сингдиринида кутубхонанинг ўрни беқиёс. Тадбир иштирокчилари, болажонлар кутубхона фонди, ундаги электрон манбалар ва КИТОВ.UZ сайтининг кенг имкониятлари билан яқиндан тани-

шиши. Ўйлаймики, бу болалар кутубхонасининг фаол китобхонларига айланиши. Зотан, юртимиз келажак ватанпарвар, билимли ёшлар қўлидадир, — дейди республика болалар кутубхонаси директори Дониёр Уролов.

Тадбир сўнггида ўзбек эстрада юлдузлари иштирокидаги концерт дастури йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Куйқўшиқлар салоси остида рақсга тушаётган ўқувчиларнинг қувончи чексиз эди.

Моҳичехра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири
Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

Мақтада умумтаълим фанлари бўйича олинган билимлар амалий машгулотларда мустақамланса самардорлиги юқори бўлиши табиий. Зеро, ҳар бир фан табиат, кундалик ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ. Бунда ўқувчининг мақтадан сўнг бўш вақтини ўз қизиқиши ва иқтидоридан келиб чиқиб, мазмунли ва мақсадли ташкил этишга хизмат қилаётган «Баркамол авлод» болалар марказларининг аҳамияти алоҳида.

Хабарингиз бор, авваллари мақтадан ташқари таълим муассасаси сифатида фаолият юритган ушбу марказлар ҳам мазмунан, ҳам моддий-техник жиҳатдан бугунги кун талабига жавоб бермай қолган эди. Энг аввало, тўғарак ва мавжуд секциялар йўналишларининг замонавий, эҳтиёж юқори касб-хунарлардан келиб чиқиб ташкил этилгани ҳамда ўқув ва амалий машгулотларнинг бир қоплида, ночор ҳолатда ўтилиши ушбу таълим муассасаларига ўқувчилар қатновининг сулғалишига сабаб бўлган.

Мамаклатимиз таълим тизимида изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ўтган йилдан «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бугун ушбу таълим масканлари моддий-техник базаси замонавий талаблар асосида бойитилаётган ҳолда, уларда ўқувчилар фанларининг энг сўнгги янгиликларидан боҳабар бўлиб, қизиқиш ва эҳтиёжга мос бадий, техник, санъат ва касбий тўғаракларда ўз билим ва маҳоратларини ошириб бормоқда.

белгиланган ўқув режасини ўзлаштиргандан сўнг уларга гувоҳнома берилади. Техник ва сайёхлик соҳаси бўйича «Спорт устаси» ёки «Спорт усталигига номзад» мактабига эга бўлган шахсларга педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган. Фарзанди тўғаракларга жалб этилгани учун ота-оналар томонидан кам миқдорда бадал тўлови жорий этилган. Тўғаракларга 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар жалб қилинади. Марказ ходимлари ўқув йили натижалари бўйича тўғарак аъзолари томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг мақтадан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мослигини сўрономалар, тестлар ва бошқа шаклларда мунтазам назорат қилиб боради.

«Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази ўқувчиларда ишлаб олиш ва ижод қилиш кўникмаларини шакллантириш учун фаолият юритиб келмоқда.

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган техник йўналишдаги барча тўғарак раҳбарларини янги ўқув йилига тайёрлаш мақсадида икки ҳафталик амалий ўқув семинари ҳам шу марказда ўтказилди. Семинар иштирокчилари тарқатма материаллар билан таъминланиб, ҳар бир иштирокчига махсус гувоҳнома берилди.

Тошкент шаҳридаги 22, 24-«Меҳрибонлик уйи»лари тарбияланувчилари учун ҳам «Бошланғич техник моделлаштириш» ва «Автомодел» тўғараклари ташкил этилди. Ушбу тўғараклар сифат ва самардорлигини ошириш мақсадида интерфаол усулда машгулот ҳамда семинар-тренинглар ўтказилди.

Ўқувчиларнинг тўғарак машгулотлари мазмуни қандай ташкил этилмоқда, деган саволга «Радиотехника» тўғарак раҳбари Умаржон Пулатов шундай жавоб берди:

— Йигирма нафар ўқувчини икки гуруҳга бўлган ҳолда

Qaror va ijro

бошлаб қабул қилинади. Бугунги кунда эса ота-оналар ҳатто 1—3-синфда ўқийдиган фарзандларини ҳам олиб келишарди. Чунки тўғаракдаги барча машгулотлар ўқувчиларнинг конструкторлик қобилиятларини оширишга, улардаги ижодкорликни ривожлантиришга йўналтирилган. Кўпчилик «авиамодел» тўғаракда ўқувчи фақат самолёт ёки учувчи жисм ясашни ўрганади, деб ўйлайди. Биз ўқувчиларни марказга жалб этиш учун мақтабларда бўлиб, ҳафтасига икки марта кўргазма



ҲАВАС ОРТИДАГИ ЮКСАК МАҚСАДЛАР

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатларга «Баркамол авлод» болалар марказлари мактабига олиган ташкилотлар қай даражада жавоб бераёпти, уларнинг вазифаси нимадан иборат, деган саволларга жавоб топиш мақсадида «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази фаолияти билан танишдик.

Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтадан ташқари таълим тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 50-сонли қарорининг ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 5 мартдаги 39-сонли буйруғи асосида ташкил этилган. Тегишли қарорнинг 3-бандида болаларнинг эҳтиёж ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодиёти ва бадий қобилиятларини ривожлантириш, фойдали дам олишларини ташкил этиш қайд этилган. Шунингдек, уларга меҳнатсеварлик, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш, фан ва техниканинг истиқболли йўналишларига мувофиқ, техник воситалар, компьютер технологиялари ишини ўрганишни ташкил этган ҳолда болаларнинг техник ижодкорлигини ривожлантириш асосий вазифалар сифатида эътироф этилган.

Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 мартдаги «Мақтадан ташқари таълимга қўйилаётган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 69-сонли буйруғида «Баркамол авлод» болалар марказларида ташкил этиладиган тўғараклар йўналишлари ва номлари белгилаб берилди. Жумладан, 3 йўналиш, 10 туркум ва 36 номдаги тўғарак фаолият кўрсатиши айтиб ўтилган. Шунингдек, марказларда ташкил этиладиган тўғараклар бўйича давлат талаблари белгиланган бўлиб, ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва ма-



лака мезонлари акс этган.

Ҳозирги марказларнинг аввалги мақтадан ташқари таълим муассасаларидан фарқи жиҳатлари ҳамда афзалликлари ҳақида «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази директори Хадича Зокирова шундай дейди:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги «Баркамол авлод» болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 130-сонли қароридан марказ фаолияти Низом билан тартибга солинади, дейилган. Унда марказнинг асосий вазифалари, улар фаолиятини ташкил этиш, таълим жараёни иштирокчилари, педагоглар ва ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, марказни бошқаришда унинг жиҳозлари ва пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш белгиланган.

Янги Низом аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Бунда марказ кўптармоқли, яъни техник ижодкорлик, бадий ижодиёт, йўналишнослик ва экологик йўналишларида ташкил этилиши белгиланган. Барча йўналишдаги тўғарак машгулотларини ташкил этиш учун биринчи, иккинчи ва ундан кейинги ўқув йиллари учун ҳафтада 6 академик соат ажратилган. Тўғарак аъзолари

режа асосида машгулотлар ўтказилади. Аввало, ўқувчи электр токи нима, радиотехника қисмлари, физика фанидаги деярли барча қонуниятларини билиб олиши керак. Сўнгра у машина техника буюмларини тўзатишга киришади. Кўпгина болалар дазвол, DVD, фен, миксер каби электр асбоб-ускуналарини тўзатишни ўрганиб оладилар. Машгулотларга икки ёки ундан ортиқ йил қатнаётган бола электр тоқини назорат қилиб турувчи асбоб ясай олади. Мақтадаги физика, кимё, биология фанларидаги лаборатория машгулотларида фойдаланиш учун эса блок таъминоти ясайдилар.

— Мен радиотехника тўғаракга қатнашганим, — дейди 287-мақтабнинг 7-синф ўқувчиси Саидаббор Саиджўраев. — Ота-онам тўғаракка олиб келганида, ўнчалик қизиқмаган эдим. Бир-икки машгулотдан сўнг менда радиотехникага қизиқиш уйғонди. Уйда дазвол бузилиб қолганида, устозимнинг кўмағида тўзатдим. Ҳар бир йилги уй-рўзгорда керак бўладиган машина техника буюмларини тўзатишни билиши керак. Келажакда компьютер, қўл телефони тўзатишни, дастурлашни ўрганишимиз керак. Бу ерда олган билимларим ўшанда пойдевор вази-фасини ўтайди.

— «Авиамодел» тўғаракга қизиқувчилар кўп, — дейди тўғарак раҳбари Абдунаби Ҳожибоев. — Авваллари ўқув дастурлари бир йилга мўлжаллаб тўзиларди. Болалар энди-гина бир нарсани ўрганишни бошлаганда, ўқув йили тугаб қолар ва яна янги ўқув йилига бошқача мазмундаги дастур тузиш талаб этиларди. Қисқаси, ўқув мазмуни тубдан янги-ланди. Мана, энди дастурларимиз икки йилга мўлжаллаб тўзилаёпти. Бу таълим самардорлигини оширишга ёрдам бериувчи омиллардан бири ҳисобланади. «Авиамодел» тўғаракига болалар 5-синфдан

ўтказдик. Аслида «авиамодел» тўғаракда фақат учувчилик эмас, асосан конструкторлик бўлганлиги. Конструкторлик билан шуғулланган боланинг чизма билан ишлаш қобилияти ривожланади. У геология, стоматология, алоқа, полиграфия ҳамда табдиркорлик соҳасида ҳам ижобий ютуқларга эришади.

Болалар дастлаб «ўқув машк модели»ни оддий қозоғга чизиб, ўшани буқлаб ясайдилар, сўнгра планерларга ўтилади. Буларнинг барчаси қозоғ, қамиш, резинадан ясалади. Тўғри, ҳозирча авиамодел йўналишида ўқув қўлланмалари, конструкторлик жамланмалари етарли эмас. Биз айни кунда марказ раҳбарлари билан биргаликда шу йўналишдаги тўғарак машгулотлари учун йўлга ўқув конструкториялари ясаётимиз.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти маркази кенгаши, республика техник ва амалий спорт турлари маркази билан ҳамкорликда авиамодел йўналишининг «Хонда учувчи моделлар» тури бўйича Республика биринчилиги ўтказилди. Мазкур спорт-техника йўналишидаги чемпионат икки босқичда F-J-1-D, F-1-D-H турлари бўйича бўлиб ўтди ва голиблар аниқланиб, Халқ таълими вазирлигининг 1,2,3-даражали дипломлари ва эсдлик совғалари билан тақдирландилар.

Бугунги кунда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. «Баркамол авлод» болалар марказларининг ташкил этилиши ҳам ана шу гамҳўрликдан нишонлади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Маънавият ва маърифат марказида “Аждодлар қахрамонлиги — ёшларга ибрат” мавзuida тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча кенгаши, Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимлари, Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилаётганлиги борасида тўхталишди.

Олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ашула ва рақс ансамбли томонидан ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун намоийш этилган концерт дастури эса даврага ўзгача руҳ бағишлади.

Тадбирда ҳарбий соҳада меҳнат қилиб, эл-юрт хизмати-га бел боғлаган қатор соҳа фидойиларига ҳомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совға ва фахрий ёрликлар топширилди.



Денов туманидаги “Кўчаки” маҳалласида барча қўлайликларга эга қишлоқ врачлик пункти фаолият бошлади.

Янги тиббиёт муассасасини куриб, фойдаланишга топшириш учун 243 миллион сўм маблаг сарфланди. Айни пайтда бу ерда ўттиздан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотга эга тиббиёт ходимлари аҳолига хизмат кўрсатаётир.

— Замоноавий усулда қад рўстлаган кўркам бинода “Кўчаки” ва “Хўжалқу” маҳаллаларида истиқомат қилагаётган 7,5 мингга яқин аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди қишлоқ врачлик пункти мудирани Анвар Тошматов. — Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ҚВП “Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида ФЭК, ЭКГ каби замонавий аппаратлар билан жиҳозланди.

Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 2011 йили воҳодаги қишлоқ врачлик пунктлари “Саломатлик-2” лойиҳаси асосида 3,3 миллиард сўмлик тиббий асбоб-ускуна ва бошқа зарур жиҳозлар етказиб берилди.



Навой шаҳрида “Оммавий ахборот воситалари фаолиятини кўллаб-қувватлаш уларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги мавқени мустаҳкамлаш омили” мавзuida тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Навой ҳудудий бўлинимаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, матбуот ва ахборот соҳаси ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбати иштирокчилари оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунлар лойиҳалари буйича ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдирди.



Жиззах шаҳридаги 1-оилавий поликлиникада «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бирлашмаси вилоят скрининг маркази ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Жиззах шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ҳудуддаги оилавий поликлиникалар шифокорлари, маҳаллалар оқсоқоллари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати қатнашчилари оилалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда тиббиёт муассасаларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўза ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

МУРУВВАТЛИ УСТОЗГА ТАШАККУР!

Бухоро юқори технологиялар техника-муҳандислик институтининг «Олий математика» кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди Манзурахон Пўлатовани тиниб-тинчимас, саховатпеша инсон сифатида таниймиз. У билан суҳбатлашар эканмиз, ўзига, фарзандлари, шогирдлари, барчага ўта талабчан мураббий, камтарин ва оқила аёл эканлигини биламиз.

2002 йилдан буюн у Бухоро вилояти сил касалликлари

диспансери билан ҳамкорлик қилиб келади. М.Пўлатова бу ердаги беморларни ҳушнуд қилиш учун ҳар байрамда

Saxovat

совға-саломлар билан ташриф буюради.

У яқинда бўлимимизда даволанаётган болажонларни Янги йил билан табриклаш учун келди. Совғалар ҳам байрамона бўлди. Шу куни ака-

ука хонадалар Ражаб ва Шерзод Қўлдошев бошчилигидаги «Булбулнаво» ансамбли наволари янгради. Бу наволарга ошанинг самимий тилаклари уланди. Айниқса, қизиқарли китоблар, телевизор, ранг-баранг сочиқ ва оппоқ чойшаблар, ўйинчоқлар, ўқув қуролларини олган болажар жуда хурсанд бўлишди.

М.ПАРДАЕВ, Ш.ҲИҚМАТОВ, шифокорлар

ХИЗМАТИНГГА ШАЙМИЗ, ВАТАН!

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ташкил топганига 20 йил тўлиши ҳамда «Ватан ҳимоячилари кўни»га бағишлаб ўтказилган байрам тадбири ана шундай номланди.

Тадбирда 20 йилдирки ушбу сана кенг нишонланаётганлиги, ёш авлоднинг Ватанга салодат руҳида камол топишида ҳарбий ватанпарварлик тадбирларининг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Тадбир аввалида ўқувчилар уч туруғга бўлиниб, ҳарбий машқлар (турниқда тортилиш, тош кўтариш, ўқ отиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш) бўйича мусобақалашдилар.

Шундан сўнг, тадбирнинг маънавий-маърифий қисмига навбат берилди. Унда ўқувчи-ёшлардан иборат «Ватанпарвар», «Ёш чегарачи», «Қалқон» жамоалари «чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» курсидан олган би-

лимларини синовдан ўтказдилар. Мусобақа шартларини ўқув юртига ташриф буюрган зобитлардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бордилар.

Тадбир якунида мусобақаларда фаол иштирок этган гуруҳлар ва ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Коллежда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик кафедрасининг намунали фаолияти ҳамда ўқувчи-ёшларга ҳарбий сабоқларнинг ўргатилиши, назарий машғулотларнинг амалиёт билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши ўқувчилар қалбида она Ватанга муҳаббат, Ватан ҳимояси — муқаддас бурч туйғусининг шаклланишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди илм маскани директорининг ўқув ишлари бўйича уринбосари С.Миршоҳужаев.

Шавкат ЁҚУБОВ

14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni

САФ ҚЎШИҚЛАРИ ТАНЛОВИ

Шайхонтохур туманидаги 132-мактабда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ҳарбий саф қўшиқлари танлови ўтказилди.

Тадбирга фахрий ўқитувчилар, ота-оналар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ўқитувчи ва ўқувчилар таклиф этилди.

Қўрик-танловда ўқув муас-

сасида ташкил этилган ҳарбий тўғарақларда тайёргарликдан ўтган ўғил болалар жисмоний машқларни бажариш ва саф қўшиқларини маҳорат билан ижро этиш борасида беллашдилар. Ҳайъат аъзолари уларнинг истеъдодини баҳолаб борди ва танлов сўнгида ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ушбу тадбир билим масканимизда мана 10 йилдирки

ўтказиб келинади. Унда иштирок этиш биринчи синфдан то тўққизинчи синфда таълим оладиган ўғил болалар учун гуруҳ ва ифтихор ишига айланган. Бу эса ўқувчилар қалбида Ватанга муҳаббат ҳиссини синдиришга, уларни жисмоний чиниқтириш ва иродасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Наргиза НАСРИТДИНОВА, мактаб ўқитувчиси

ОЙБЕККА АРМУҒОН

XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек беназир адиб, моҳир таржимон, забардаст олим, жамоат арбоби, шу билан бирга, ўта самимий инсон эди. У ўз ижоди ва юксак инсоний фазилатлари билан бутун халқ меҳрини қозонди. Ҳар йили январнинг ўнинчи санасида мавлоно Ойбекнинг таваллуд айёми адабиёт муҳибларининг байрамга айланиб кетади. Бу йил ҳам шоир таваллуд топган кўни Ойбек уй-музейида унинг мухлислари жам бўлишди. Таниқли адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар Ойбек ижоди, бетақрор шахсияти тўғрисида дилдан суҳбат қурдилар. Ушбу улғу инсон суҳбатидан баҳраманд бўлган, унга илҳос қўйган мухлислари сеvimли адиб ҳақидаги ёрқин хотираларини

сўзлаб берди. “Биз халқимизнинг Ойбекка бўлган муҳаббатини асрашимиз, айниқса, ёш авлод қалбида бу инсонга, шу орқали сўз санъатида меҳр-муҳаббат уйғотишимиз керак”, — деди филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов.

Бундан қарий ярим аср олдин рўй берган шоир вафоти миллионлаб мухлислар, ўзларини унга шогирд деб билган ижодкорлар қалбини ларзага солди. Улар Ойбек шаънини улуғлаб, хотирасига бағишлаб шеърлар битдилар. Тадбир давомида ўзбек ҳамда қарош халқ шоирларининг Ойбек ижоди ва вафотидан таъсиридан ёзган шеърлари — васфия, марсия, фахрийлардан таркиб топган “Армуғон” тўплами тақдироти бўлиб ўтди.

Б.ФАЗЛИДИНОВ

Ёшлик — куч-гайрат. Ёшлик — орзу-умидларга тўлган юрак. Ёшлик — иқтидорнинг куртаклари юз очмоққа шайланган фасл. Умрнинг бу бетакор оқинарига яна узоқ таъриф бериш мумкин. Шу боис ҳам биз билан ҳамнафас қадам ташлаётган, ортимиздан келаётган навқирон авлодга ҳавас билан қараймиз. Уларнинг келажақда юртининг муносиб ворислари бўлишига умид боғлаймиз. Интеллектуал қобилиятга эга ва билимли баркамол авлоднинг тарбиялаш масаласи мамлакатни ривожлантириш ва модернизация қилишининг энг муҳим асоси сифатида долзарб вазифалар қаторидан ўрин олгани ҳам шундан. Айни пайтда ёшлар тарбияси бобида бошқарувни ўз қўлимизда маҳкам тутмас эканмиз, турли ёт таъсирлар аралашувидан бирдек ҳимоя қила олмаслигимиз мумкин. Бу ўринда Президентимизнинг «Биз ёшларимизни ҳеч қимнинг қўлига бермаймиз! Уларни ўзимиз тарбия қиламиз!» деган давлатлари дастуриламалдир. Бунда мактаб маънавият бешиги мисол жамиятнинг барча аъзоларига ҳаёт мактаби ҳизматини ўтамоғи муҳим ўрин тутади.

гини ёпиб қўймайман. Ўқитувчи ҳам, ота-она ҳам, ўқувчи ҳам бемалол кириб кўнглидаги гипнотизмига имкон, самимий муҳит яратилишини истайман. Халқ орасида «Иш бор жойда камчилик, одам бор жойда гап бор» деган ибора юради. Албатта, баъзида айрим ўқитувчининг ишга муносабатидан қаттиқ ранжишим мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам қўнглим қарнинг ранги бўлишига йўл қўймайман. Ҳатто урушсиз ҳам нигоҳларимда меҳр балқиб туришини ақс эттириш учун кўзга қараб маъқул чолларим бўлган. Кўнглим жуда ноқизиқ-да! Айни пайтда биз ўзбекимиз. Ўзбекчилик, маҳаллий худудларнинг ўзига хос аънава ва қадриятлари бор. Муаллимларнинг қўнчилигини хотин-қизлар ташкил этар

нятию, сиполиклари, соч турмақларидаги орасталик ҳам митти қалбларнинг амалларига кўчгандек... Бу кузатишлар бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида ўзаро тажриба алмашишга имконият яратиш, ижодий рақобат муҳитини юзага келтириш нечоғлик зарур эканини кўрсатиб турар эди. Дастлаб уларни жамлаб диктант олди. Бу қўнглимдан тадбирдан кейин ўқитувчиларнинг дарсдан сўнги соатлаб ёзув доскаси ёнида хуснихати устида ишлашни кутмаган Нозима, навбатдаги синови улар ўқувчилар дафтарини қай тарзда текшириб, хатоларини тўғрилаш устида ишлашига бағишладим. Айниқса, сабоқларда ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида қўйилган талаблар ўқитувчилараро

Dolzarb mavzu
шундай маънодаги хулосаларини ўқигандим: сиз қаерда бўлсангиз ўша ердаги ҳаёт билан яшанг. Уйда бўлиб иш, хизматда бўлиб уйдаги муаммолар таъсирдан қутулолмасангиз меҳнатларингиз, қувагингиз самарасиз кетади. Бирор лавозим ёки мансаб сизга насаб этдим, ўз вазифанингизни шундай адо этингиз, кези келиб ўрнингизни қимгадир топширишингизга тўғри келса, раҳбарлигингиз остида амалга оширилган ишлар натижасида корхона ёки ташкилотнинг равнақи қабул қилган пайтингиздаги ҳолатдан бир неча бора юқорига кўтарилган бўлсин. Бундай муваффақиятга эришиб, ортада муносиб из қолдиришни орзу қил

МАКТАБДАГИ СОҒЛОМ МУҲИТ

бошқа муассасалар учун ҳам ибрат бўлишга қодир

Мактаб ҳам ўйлаб қарасангиз, катта корхона. Фақат у ерда нимадир ишлаб чиқарилмайди. Балки жамиятдаги барча жаҳоларнинг келажагини таъмин этувчи юртининг бунёдкорлари ана шу гўша сабоғи билан камолга етишади. Бир қараганингизда, синфларда дарслар меъёрида давом этаётган, муаллимлар ўзи ўрнида, режалар тўқис адо этилаётганга ўхшайди. Лекин ҳар жон бир олам экан, ҳар бир таълим муассасасида турлича натижалар: ютуқ ёки камчиликлар буй кўрсатади. Бунинг асосий омиллари нимада? Дарсхонага кирган ўқитувчининг шижоат ва гайрат билан меҳнат қилиши, бу ўқувчиликка қувват бўлгучи қайфияти қандай? Жамоадаги баҳамжиҳатлик ҳар бир муаллимнинг фаолияти давомида йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларини тўғрилаши, бўшлиқларни тўлдиретишига ҳисса қўшаётганими? Хуллас, мактабдаги соғлом муҳит ва унинг таълим-тарбия самарадорлигидаги ўрни ҳусусида фикр юритмоқчи ният қилиб Навоий шаҳридаги 16-мактаб томон йўл олдим. Чунки вилоят халқ таълими бошқармасидан олган маълумотларимизга кўра, бу борада мазкур илм масканида ибратли тажриба тўпланган.

Шаҳарнинг энг гавжум худудида жойлашган бу билим даргоҳида 2002 йилга қадар таълим фақат рус тилида олиб борилад эди. Мактабда сабоқлар ўзбек тилида ҳам ўтилиши кўзда тутилган, жамоа маълум маънода бошқа билим даргоҳларидан келган ўқитувчи ва ўқувчилар билан қайта шаклланди. Кўпчилиги бир-бирини яқиндан билмайди. Кимнинг салоҳияти қай даражада, иш услуби қандай? Дарслари тугадими, хайр-хўш ҳам йўқ, уй-уйларига ошиқшади... Хуллас, ҳар ким ўзи билан ўзи овера. Шундай бир пайтда, таниллик, жамоани бир макссад сари жиқлаштириб, завқ билан меҳнат қилишга чорлаш раҳбардан катта маҳорат талаб этади.

— Ўз-ўзиндан гуруҳлар пайдо бўла бошлади, — дейди Нозима Тогаева ўшанда мактаб директори сифатида иш бошлаган йилларини хотирлар экан. — Ҳар қандай масала ва муаммолар ечимида директорнинг вазиятни одилона баҳолаб, адолат билан иш тутishi муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам бирор ҳафта ҳолатни зиддан қузнатдим, ўргандим. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги паст даражада. Мониторинг таҳлилларига кўра, кўрсаткичлар қуйи ўриндан кўтарилади дейди. Орқаваротдан «боламизнинг ўқишини бошқа жойга қўчирмасак бўлмайди...» деган гаплар ҳам қулоғимга чалина бошлади. Ниҳоят, фикр-мулоҳазаларимни жамлаб, дастлаб жамоанинг барча аъзолари учун фаоллар залида умумий йиғилиш ўтказдим. Сўзимни «Келинг, мен — раҳбар, сиз — ўқитувчи бўлиб эмас, ҳаммамиз бир макссад — бизга ишониб топширилган вазифа — элнинг боласига билим берришга масъул шахслар сифатида гурунглашиб олайлик. Сизнинг чин юракдан меҳнат қилишингиз учун нима халақит бераёпти? Балки муаммо шахсий ҳаётингиздадир, балки синфингиз, ҳамкасблараро муносабатларингиздадир, бемалол менга баён этсангиз. Ҳоҳласангиз, яккама-якка суҳбатлашишга ҳамиша тайёрман. Мен раҳбар сифатидагина эмас, бирингизга опа, бирингизга сингил, дўст-дугона бўлиб ёрдам беришга тайёрман...» деган мурожаат билан бошладим.

Низомий Ганжавийнинг ажойиб бир гапи бор: «Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл олади». Мен бу ҳикматга доим амал қиламан. Ҳақиқатан ҳам дилдан қилинган бу суҳбатимиз натижасиз қолмади. Аста-секин жамоа бир-бири билан яқинлаша борди. Одатим шундай, ҳеч қачон кабинетим эши-

экан, айни пайтда улар она, оила бекаси. Турмуш ўртоғининг қарашлари билан ҳам ҳисоблашиши, қайнона-қайнота гипнотизмига шай туриши, фарзандининг инжиқликларини кўтариши, кези келганда ақилларининг қувончлари, гамларига шерик бўлиши керак. У буларга имкон топмади, кўнгли нотинч бўла бошлади. Уйда хотиржам бўлмаган инсоннинг олдида талабларни қаторлаштириб қўявериш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шундай экан, мен жамоамизнинг ҳар бир аъзосини, аввало, инсон сифатида тушунишга ҳаракат қиламан. Яхши қунида биринчи бўлиб қувонч билан хонадонига кириб боришга, бошига муслибат туша ёнида туришга ўзимни бурчдор сезаман...

Директор жамоа ахлининг дилига йўл топиб, ҳар бирини яшаш тарзи, оилавий муаммолари, орзу-умидлари, режалари, дарду аламлари билан ошно бўлиш баробарида уларнинг касбий маҳорати, иш услуби, ижодий изланишлари, қизиқиш ва режалари, дарсини янада самаралироқ ўтиши учун мактабда яратилиши керак бўлган шарт-шароитларга доир фикрлари билан ҳам ўртоқлашиб олади. Жамлаган хулосалари унинг бевосита таълим мазмунига эътибор қаратишига, дарс сифати, ўзлаштириш самарадорлигини оширишга салбий таъсир этувчи жиҳатларни бартафат этиш чораларини излашига йўл очган эди. Бу борада ишни дастлаб бошланғич таълим ўқитувчиларининг дарсларини таҳлил этишдан бошлади. Кўрдики, қайси муаллимнинг хуснихати ҳавас қилгулик бўлса, бу ҳислат ўқувчиларига ҳам кўчган, қайси бирларининг нутқи раван, сўзга чечан бўлса, болаларнинг устозларидан андоза олишган. Ҳатто устозларининг қийинчи мада-

«Билимлар беллашуви»ни бошлаб берди, десак арзийди...

Хуллас, айни кунда ўқитувчиларнинг тўқсон саккиз фоизи бемалол компьютерда ўз слайдларини яратаётди. Директорнинг жараён ичида «яшавтгани» ўқитувчилар меҳнатига устама ҳақлар белгила-нишида адолатли ёндашув таъминлинишига имконият яратаяпти.

Нозима иккинчи муаммо сифатида баъзи аълочи ўқувчиларнинг юқори синфларга ўтганда негадир билим даражасининг пасайиб кетиши масаласини кун тартибига қўйди. Тажриба сифатида турли фан ўқитувчиларининг дарсдан сўнг тўртинчи синф ўқувчилар билан машғулотлар олиб бориши яхши самара бергач, мактабда бундай ёндашув аънамага айланди. Гўёки қуйи синфларда ўрганиладиган билимлар ўз йўналиши бўйича юқори синфларда ўқитилади-кан фанларга занжир мисол болганди. 648 нафар ўқувчи мактабда ташкил этилган турли спорт тўғрақларига қатна-япти. Таълим даргоҳи вилоят педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг «базиси»га айланган, десак муболага бўлмас. Чунки ҳар ойда институтнинг тингловчилари билим даргоҳида ўз тажрибаларини оширишади. Дарсларни кузатиб ўрганишади, ўргатишади.

— Маъшхур руҳшунослардан бирининг илмий, амалий кузатишларига таяниб чиқарган

... Дарвоқе, бир минг олти юзга яқин ўқувчи таълим-тарбия олаётган ушбу илм даргоҳи шаҳардаги мактаблар орасидаги кучли бешикдан ўрин олганига анча бўлди. Навоий шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан ўқув йилининг ярим йиллиги бўйича қилинган таҳлилларга кўра, ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги 3-5 фоизга ўсган. Бу муваффақиятларга, энг аввало, мактабда ҳукм сураётган соғлом муҳит замин яратаетгани эса барчага бирдек аён!

Ойбуви ОЧИЛОВА

Юртбошимиз томонидан 2012 йилнинг — Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилиниши замирида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оила фаровонлигини таъминлашдек юксак масъулият мужассам. Оиланинг мустаҳкамлиги, аввало, унда соғлом мухитнинг ҳукми суриши, соғ-саломат онадан дуркун фарзанднинг дунёга келиши билан боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида юртимизда она ва бола саломатлигини муҳофазалаш мақсадида ҳомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳомиланинг ривожланиши жараёнини кузатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. 1998 йилга қадар она ва бола саломатлигини сақлаш ишлари намунали тарзда ташкил этилган бўлса-да, туғилажак фарзанддаги ирсий касалликлар, жисмоний, ички аъзолари ривожланишидаги нуқсонларни эрта аниқлаш имкониятлари кам эди. Энг ачинарлиси, яширин хасталик билан ногирон бола туғилишини олдиндан билиш бирмунча мушкул бўлиб, бу кўпчиликини хавотирга солган ҳақиқат. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида скрининг ва перенатал марказларнинг ташкил этилиши бу муаммага барҳам берди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2011 йил 26 ноябрда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва

ёхуд ҳомила сувининг ифлосланиши, бола ривожланишида айрим нуқсонлар аниқланган ҳолда туғилажак бола ва она соғлигини тиклаб олиши-

нинг маркази мутахассислари, асосан, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар билан иш олиб боради. Биринчи уч ойликдаги скрининг даун ва эдвард синдроми, асад тизимидagi нуқсонлар ва бошқа аъзолардаги жиддий бузилишларни аниқлайди. Шунингдек, УТТ орқали боланинг вазни, бўйи муддатига кўра меъёрида ривожланаётгани, юрак уриши текширилади. Аниқланган муаммолар бўйича аёл биопсия ёки амниоцентез текширувларига жўнатилди. Бир йилда ярим миллион ҳомиладор аёл шу тарихда кўриқдан ўтказилди.

Скрининг кўриқдан ўтган ҳомиладор аёл мавжуд хасталиклар эрта аниқлангач, ўз вақтида саломатлигини тиклаб боради. Скрининг икки хил: перенатал ва неонатал турда бўлинади. Перенатал скрининг ҳомиладорлик давридаги асоратлар туйғайли ҳомила ривожда юқори даража-

2012-yil — Mustahkam oila yili

тарқатилади. Ғўдаклигида моддалар алмашинуви бузилиши аниқланган болаларга дори-дармон ажратилади. Шу кунга қадар республика скрининг маркази томонидан 240 минг кўти «Микройодид» препарати «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлиmlари ва вилоят эндокринология диспансерларига тарқатилди.

Нигора Фуломов, «Она ва бола» скрининг маркази Самарқанд вилояти бўлими директори:

— Марказимиз асосан 14та туман, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларига хизмат кўрсатади. 2011 йилда 18602 нафар ҳомиладор аёл ультра-товуш кўриқдан ўтказилди. Неонатал скрининг натижасида тўрт нафар чақалоқда феминитонуря хасталиги аниқланиб, дарҳол назоратга олинди. Айни пайтда улар

лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009—2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий барқамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорлари дастуриламал бўлмоқда.

Ёшлар ўртасида соғлом оила ва никоҳ тушунчаларини тарғиб этиш, турмуш қураётганларнинг саломатлиги мустаҳкам оила гарови эканини бутун жамоатчилик, айниқса, ёшлар онгига сингдириш мақсадида республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида маҳалла фаоллари, аҳоли ва ёшлар ўртасида маърузалар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказилиб, мавзуга оид услубий қўлланма, буклет, рисола ва плакатлар нашр этилмоқда. Шу мақсадда фаолият юритаётган. Махсус жамоатчилик кенгашлари томонидан 2011 йил мобайнида 3389,5 мингдан зиёд оилада ёки жами оилаларнинг 53,2 фоизда тушунтириш ва тарғибот ишлари ўтказилди. Бунинг самараси бўлса керак, «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти 161 мамлакат томонидан тузилган жаҳон рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш миллий моделига мувофиқ перенатал, скрининг марказлари, турғуқча кўмаклашиш ҳамда педиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш долзарб масалалар сирасига киритилгани эътиборлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги 156-сонли «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори га биноан, (2010—2014 йиллар давомида) юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қиладиган ҳомиладор аёлларни умумий қувватланирувчи, таркибида фоли кислотаси мавжуд бўлган поливитамиnлар билан таъминлаш ишлари олиб боришмоқда.

Халқимизда асрлар давомида исботланган пурмаъно нақл бор: «Соғлом танда — соғ ақл». Зеро, киши соғлом бўлсагина ортиқча ташвишлардан холи ҳолда билим олишга, меҳнат қилишга, жамий тараққиёт учун елиб-югуришга, бошқалар оғирини енгил қилишга имконият топади. Шу бois, юртимизда аҳоли, ҳусусан, болалар саломатлигини муҳофаза қилишга жуда катта эътибор қаратишмоқда.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

СКРИНИНГ ЯШИРИН ХАСТАЛИКНИ АНИҚЛАЙДИ

бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзuidaги халқаро симпозиумда сўзлаган нутқida таъкидлаб ўтганларидек: «Бугун Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида она ва бола перенатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблаглари ҳисобидан соғлом наслни шакллантириш учун зарур поливитамиnлар билан таъминланмоқда.

Махсус давлат дастури доирасида замонавий она ва бола скрининг марказлари тармоғининг ташкил этилганига алоҳида эътибор қаратишимиз истардим. Улар ишга тушган 2000 йилдан буюн мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд қамайди».

Скрининг тиббиёт ва биокимёда қўлланиладиган махсус кўрик, текширувларнинг умумий номи бўлиб, бу туғилажак чақалоқ ва ҳомиладор аёлларда яширин кечувчи касалликларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида керакли чора-тадбирларни қўллаш имконини беради.

Тиббиёт фанлари доктори, Республика «Она ва бола» скрининг маркази раҳбари Мадина Шарипова:

— Ногирон ёхуд нуқсонли бор боланинг дунёга келиши оилаларда кўплаб мураккаб вазиятларни юзага келтириши мумкин. Скрининг марказлари эса боладаги туғма нуқсонни она қорнидаёқ аниқлаб, уни бартафга этишга замин яратади. Мамлакатимизда замонавий технологиялар билан жиҳозланган 13та «Она ва бола» скрининг маркази аҳолига хизмат қилмоқда. У ерда кўриқдан ўтган ҳомиладор аёлга уч хил ташхис қўйилади. Бу боланинг соғлом ривожланаётгани

га доир тавсиялардир.

Скрининг барча ҳомиладор аёлларга ҳам тавсия этилмоқди. Агар аёлнинг ёши 35дан ошиб биринчи ҳомиладорлик кузатилса, қариндошларда даун ёки бошқа генетик нуқсон билан туғилганлар, аввал ҳомила тушиши, ривожланмаслиги рўй берган бўлса, бўлгуси она бирон вирусли касалликни бошдан кечирганда бундай текширувни амалга ошириш зарур. Биринчи уч ойликда ўтказиладиган кўриқда бўлгуси она ультра-товуш текшируви(УТТ)да текширилиб, унинг қони таҳлил қилинади. Ҳатто шундай кичкина муддатда ҳам боладаги хромосома ва генетик ўзгаришларни аниқлаш мумкин. Ҳомила тушиш хавфи юқори бўлганларни аниқлаш замирида ҳомиладаги туғма нуқсонлар (трисомия, асаб тизими ривожланишидаги нуқсон)ни бартафга этиш кўзда тутилган бўлиб, уни УТТ ёрдамида 3 босқичда 14, 22 ва 32 ҳафтагача (перенатал, барча ҳомиладорларга тегишли эмас) ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Марказимиз ва унинг вилоятдаги филиаллари мутахассислари томонидан чақалоқлар неонатал тиббий-генетик текширувдан ўтказилади, ҳомила ривожига таъсир этувчи касалликлари бўлган аёл ва болалар орасида соғломлаштириш ишлари олиб борилади.

Воҳидхон Содирхонов, «Она ва бола» скрининг маркази гинеколог-перенатолог, УТТ мутахассиси:

— Туғма нуқсон ва ирсий касаллик сабаблари борасида бизга кўплаб мурожаатлар бўлади. Қизларни балоғат ёшига етмай турмушга бериш, қариндошларнинг ўзаро қудаланд бўлиши, туғиш ёшидаги аёлларнинг тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтиши, наслик ва ирсий, экстрагенитал касаллиги бўлган аёлларнинг даволанишига айрим ҳолларда эътибор қаратилмайди. Скри-



даги нуқсонлар намoён бўлган аёлларда ўтказиладиган текширувдир. У, асосан, ультра-товуш ва биокимёвий усуллардан иборат.

Перенатал маркази 2002 йили ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, бу ерда ҳомила ва янги туғилган чақалоқларга, чилла давридаги аёлларга юқори, малакали шошилинч ва режали тиббий хизмат кўрсатилади. Марказ Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Тошкент тиббиёт педиатрия институти талабалари, магистрантлари ва клиник ординаторлари учун тайёрлов ҳамда республика неонатолог (янги туғилган чақалоқ врачлари учун асосий илмий ўқув маркази ҳисобланади. Неонатал скрининг эса, асосан, чақалоқларда туғма хасталикларни аниқловчи оммавий кўрик.

Скрининг маркази фақат ҳомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш билан чекланмайди. Марказда туғма гипотериоз, яъни қалқонсимон без фаолиятининг етishмовчилиги, боланинг ақлий ва жисмоний ўсишдан орқада қолиши касалиги бўйича ҳам мунтазам текширувлар олиб борилади. Назоратда турган чақалоқлар учун бўқоққа қарши «Эутирокс» препарат

овкат гидролизатори билан таъминланмоқда. Бундан икки-уч йил муқаддам аёлларда марказга келиб кўриқдан ўтишдан бош тортиш ҳоллари кўп кузатилар эди. Олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари натижасида аҳолининг, айниқса, уй бекаларининг тиббий маданияти юксалди. Марказ шифокорлари Ҳатто айрим низоли оилаларга кириб, тушунтириш ишларини олиб борган пайтларимиз ҳам бўлди. Эндиликда кўриққа келганларнинг «Фарзандим қизми ё ўғилми?» деган саволдан кўра «Болам соғломми?» дея мурожаат қиладиганлар кўпроқ.

Жорий йилда ҳам вилоятдаги академик лицей, асосан касб-ҳунар коллежларида эрта турмуш қуриш, қариндош-уруғчилик ўртасидаги никоҳнинг салбий жиҳатлари тўғрисидаги маъруза ва савол-жавоб кечалари ўтказиш мақсадида режа тuzиб oldik.

Мамлакатимизда она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, фертил ёшдаги аёллар саломатлигини тиклаш борасидаги ишлар давлат аҳамиятига моликдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шак-

Маълумки, ҳозирги замон фан-техника соҳаси ақл-бодар қилмас даражадаги қулайликларни тақдим этмоқда. Эртанга имкониятларга эга компьютер технологиялари кириб бормаган тармоқ қолмади ҳисоби. Бироқ бундай инқилоб кўпроқ қўл меҳнатидан фойдаланиб, яратиладиган шох асарлар билан қиймат борасида ҳали беллаша олмаслиги кўйида ўтказилган рейтинг натижаларига кўра ҳам билиниб қолди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, барча функциялар, ҳатто бир соат учун ортикчалик қилувчи вазифаларни ҳам бажара олувчи электрон соатлар ихтиро этилганга анча бўлди, лекин ўз касбининг моҳир усталари — аънавий соатсоз усталар бир кун ҳам ишсиз қолгани йўқ. Аксинча, инсоннинг соф қўл меҳнатига берилган юксак баҳо, кадр-қиймат йилдан-йилга янада ортиб бораёпти. Бунинг дунёга машҳур соат ва заргарлик буюмлари ясовчи компаниялар маҳсулотларига қўйилаётган нарх мисолида ҳам кўришимиз мумкин (манба: lifeglobe.net).

таллардан иборат. Дарвоқе, репетир механизми овозини кучайтириш мақсадида махсус ускуна ёрдамида илк бор муסיқали соат яратилгани ҳам эътиборлидир.

ВАҚТНИ "КЎРСАТМАЙДИГАН" СОАТ

"Hublot Black Caviar Bang" соатининг нархи — 1 миллион доллар, уни бемалол дунёнинг еттинчи рақамли соати, дейиш мумкин. «Hublot» соатлари одатда фақат қора рангдаги, абстракт шаклларда ясаллади. Шу жиҳати билан ҳам у одамларнинг хайратини оширади. Қора бриллиантлар би-



маҳсулотлари қайд этилади. Швейцариялик соатсозлар яратган соатлар доим дунёнинг энг қimmat соатлари рўйхатидан ўрин олиб келган.

Bilasizmi?

лотлари шахзода Алберт ҳамда қиролича Викториянинг ҳам эътиборини тортган. Шундан сўнг ўша давр қирол ва қироличалари орасида "Patek Philippe" фирмаси ишлаб чиқарган соатларни совға қилиш, тақиб юриш урфа айланганди.

ТУНГИ ОСМОН МАНЗАРАСИ

11 миллион деб нархланган дунёнинг иккинчи рақамли соати "Supercomplication" ҳам "Patek Philippe" компанияси

ЧЎНТАК БУШ ТУРМАЙДИ



Курраи заминимизнинг ноб соатларидан бири — ўн иккинчи ўринда турувчи «Breguet» чўнтак соатларини 734 000 доллар деб баҳолаган. Бу соатни ишлаб чиқарувчи компанияга бир неча юз йил илгари асос солинган. Соатнинг устки қисми 18 каратли сарик олтиндан ясалган ва у махсус "қулоқча"си эмас, қопқоқ қисмини бураш орқали юргизилади.

ПЛАТИНАЛИ ГАРДИШ



"Parmigiani Fleurier Technica Skeleton Chronograph" соатлари ўн биринчи ўринни эгаллайди. Бу соатнинг нархи 850 000 долларни ташкил этади. Мазкур соат дастлаб 2008 йили уч нусхада чиқарилган эди. Уларнинг гардиши қimmatбaho металл — платинадан ишланган. Соат ичидаги учта циферблатнинг бири хронограф, иккинчиси кун ботиши ва чиқишини, учинчиси эса ҳафта кунини кўрсатади ва ҳоказо.

ЁҚУТ СОАТ СИРИ



Мутахассислар томонидан баҳоси 800.000 долларга тенг деб ҳисобланган "Blancpain Grande Complication" соатлари айни даврда дунёнинг ўнинчи вақт кўрсаткичларидир. Бу

ВАҚТНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

соат кўримсизгина ҳажмга эга бўлса-да, механизмлари мажмуаси 329 деталдан иборат.

Механизм ташқи томондан рубин тоши билан безатилган бўлиб, уни фақат зангори ёқутдан ишланган ойна орқалигина кўриш мумкин.

МИТТИ ТОШЛАР ЖОЗИБАСИ




Тўққизинчи ўринда "Blancpain 1735 Grande Complication" деб номланган соат туради. Унинг баҳоси 800 000 доллар. Ушбу соат гардиши ҳам платинадан ишланган бўлиб, диаметри 31,5 миллиметр. Бундан ташқари, унга 44та митти қimmatбaho тошлар ҳам қадаб чиқилган. Соатга сана, ҳафта кунни, ой, қабиса йили ва Ой фазаларини кўрсатиб турувчи бутун умрлик календарь ўрнатилган. Бундан ташқари, унга хронограф, яъни, бирор воқеанинг содир бўлган вақтини аниқ белгилаб, ёзиб оладиган асбоб, сонияни кўрсатувчи иккита кўрсаткич ўрнатилган.

ОЙДАН ТУШГАН "МУСИҚА"




Саккизинчи ўринда кўрсатилган "Louis Moinet Magistralis" соатлари Ойдан тушган жисмлардан ясалган дунё бўйича биринчи ва ягона маркадир. Ушбу 2000 йиллик Ой метеоритидан соатга ўрнатилган антика функциялардан бири — юз йилликдаги Ой фазаларини кўрсатишда фойдаланилди. Факуллода мураккабликка эга механизмда дақиқани кўрсатувчи репетир ҳамда чегарасиз календарь ва бир тугмали хронограф мавжуд. Соатнинг 5N пробали тилла гардиши 90та турли де-



лан безатилган мазкур қimmatбaho соат "Bunter SA" фирмаси билан ҳамкорликда яратилган.

Моҳир қўллар томонидан яратилган "Black Caviar Bang" соатлари юксак даражадаги микро-механик аниқликка эга. Соат гардишидаги ноодатий қирралар эътиборни тортади: "Big Bang" корпусидаги чизиклар бир қарашда доирани эслатади, бироқ ундаги қирра-бурчакларни ҳосил қилаётган шакллар тасаввурни бутунлай ўзгартириб юборади.

ҚУЁШ НУРИ ТУШСА...



Олтинчи ўринда "The Chopard" фирмасининг "Super Ice Cube" соатлари туради. "Super Ice Cube" соатини ишлаб чиқаришда 66 каратлик бриллиант тошлардан фойдаланилган ва шу боис унинг нархи 1,1 миллион доллар сифатида баҳоланади.

Соат ўзининг ажойиб дизайни ҳамда кўзни қамаштирувчи ёрқинлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Серхашам соатнинг ташқи томони офтоб нури тушганда бир парча муз бўлагини эслатади. Нозик дид билан терилган бриллиант тошлар шу тобда ўзидан гўё нур таратади.

ТАРИХГА "ҚАЙТИШ" ИМКОНИ

Бешинчи ўринда машҳур соат ишлаб чиқарувчи компания — "Patek Philippe"нинг "Sky Moon Tourbillon" номли

Баҳоси 1,3 миллион доллар деб "Sky Moon Tourbillon" деб номланган янги маҳсулот иккита циферблатдан, бутун умрлик календарь, ой фазаси ва даврларни билдирувчи кўрсаткичлардан иборат. Қизиғи, соат орқали бир неча минг йиллар илгариги саналарга ҳам қайтиш мумкин.

ФУРСАТ ҲАМ, МАНЗИП ҲАМ АНИҚ



Мазкур рейтингнинг тўртинчи поғонасида нархи 1,5 миллион долларга тенг деб баҳолаган "Vacheron Constantin" компаниясига тегишли "Tour de l'île" соати кўрсатилган.

"Tour de l'île" соатларининг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг компаси билан боғлиқ. Тилла соат бундан ташқари, яна ўнга яқин ажойиб функцияни бажаради.

ҚИРОПЛАР СОВҒАСИ



Учинчи ўринда 4 000 000 долларлик "Patek Philippe" маҳсулоти — "Platinum World Time" соати туради. У 2002 йилда кучли ўнталиқнинг ҳатто 1-поғонасини ҳам эгаллаганди. Соат Ер шаридаги барча худудларга тегишли вақтларни аниқ кўрсата олади.

Гарчи фирмага 1839 йилда асос солинганига қарамай, 1851 йили Лондонда ўтказилган кўрғазмадан сўнг машҳурлик қўққисини эгаллади. Негаки, кўрғазмада фирма маҳсу-



маҳсулотидир. Мазкур хронометр 1932 йили нью-йорклик тадбиркор, банкир Генри Грэйвнинг буюртмасига кўра ясалган. 18 каратлик олтин ва кумуш суви юритилган, 900 деталдан иборат мукамал механизм бир вақтда 24та вазифани бажара олади. Масалан, Грэйвнинг Нью-Йоркдаги уйи устида кезиб юрган тунги осмон ҳолатини шу соатнинг махсус циферблатида айнан кўриш мумкин.

БИПАГУЗУКМИ ЁКИ СОАТ?



Бугуннинг энг қimmatбaho соатлари «Chopard» фирмасига тегишли. Ушбу компания ўзининг серхашам ва сержило заргарлик буюмлари билан дунёда донг таратган. Энг қimmatбaho соатлар рўйхатининг биринчи ўринида турган 25 миллион долларлик билакузукли соат — "201-carat Chopard" 2008 йилда илк бор сотувга чиқарилди.

Билакузук марказига ўрнатилган соатни кўрсатиб турувчи кичик циферблат атрофида турли рангдаги 200 каратга тенг митти бриллиант тошлар ўрнатилган. Юрак шаклидаги уч хил рангдаги — ок, қизил ва кўк 38 каратли жавоҳир тошлар соатга алоҳида зеб бағишлаган.

Шаҳина ЖЎРАЕВА таяёрлади.

БОЛАЛАР ҲАМ ТАШВИШЛАНАДИ

Халқаро мутахассислар гуруҳи мактабгача ёшдаги болаларнинг тахминан 15 фоизи юқори даражадаги кўркув ва тушунликдан азият чекишни аниқлашди. Ушбу илмий янгилик «Утро.ру» манбасида эълон қилинди.



Беш ойликдан беш ёшгача бўлган 700 мингдан ортиқ бола иштирокида канадалик, франциялик ҳамда ирландиялик олимлар томонидан ўтказилган кенг қамровли тадқиқот натижасида гўдакларнинг деярли 15 фоизидан улар мактаб ёшига етмасдан оқ руҳият билан боғлиқ муаммоларга дуч келиши, олти ёшларга бориб бу муаммоларнинг депрессия ҳамда кучли ташвишга айланиши хавфи юқори эканлиги исботланди.

Мутахассисларнинг фикрича, ота-оналар жажжи болаларнинг хатти-ҳаракатларига жиддий эътибор қаратиши лозим, негаки, бола руҳиятидаги оғишлар ўқиб жараёнидаги қийинчиликлар ҳамда тенгдошлар билан мuloқотда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

АЛКОГОЛЬ КАБИ ХАВФЛИ

РИА Новостининг хабарига кўра, Ухан шаҳри Магнит-резонанс тадқиқотлар маркази ходими Хао Лэй бошчилигида бир гуруҳ хитойлик олимлар томонидан ўтказилган тажриба натижалари интернетта муккасидан кетган одамлар миёсида алкоголь ёки наркотик моддаларни истеъмол қилувчи одамларники билан ўхшаш ўзгаришлар кечиниши кўрсатди.

Олимлар интернет тобелигига учраган 17 нафар катта ёшли одамни магнит-резонанс томографиядан ўтказгач, олинган натижаларни 16 нафар одамнинг кўрсаткичлари билан таққослашди. Маълум бўлдики, интернетта тобе одамлар бош миёсининг маълумотларни ҳиссий қайта ишлаш, қарор қабул қилиш ва когнитив назорат учун жавобгар қисмидаги оқ моддага зарар етар экан. Қизиги, алкоголь ва наркотик моддалар истеъмол қилганда ҳам, миёда худди шундай ўзгаришлар кузатилади.

Мутахассисларнинг баҳолашича, ҳозирги пайтда тармоқ фойдаланувчиларининг 5—7 фоизини интернетта тобе, деб ҳисоблаш мумкин.

Хитойлик олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот келажда одамларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ муаммоларни аниқлашга ҳамда зарарли одатдан қутулиш йўллари топишда ёрдам бериши кутилмоқда.

МИТТИ ЭКЗОСАЙЁРАЛАР ТОПИЛДИ

Америкалик астрономлар рекорд даражада кичик экзосайёраларни топишга муваффақ бўлишди. Бир-варакайига аниқланган учта самовий жисм ҳақида дастлаб Техас штатининг Остин шаҳрида ўтказиладиغان Америка астрономларининг йиллик курултойи иштирокчилари хабар топишди. Тадқиқотнинг қисқача баёни НАСА агентлигининг расмий сайтыда эълон қилинди.

Янги сайёралар KOI-961 юлдузи атрофидан топилад бўлиб, мазкур митти қизил самовий жисм Ердан тахминан 130 ёруғлик йили узоқлигида, Оқуш юлдузлар туркумида жойлашган. KOI-961.01, KOI-961.02 ҳамда KOI-961.03 дея ном берилган экзосайёралар радиуси Ер радиусининг 0,78, 0,73 ва 0,57 қисмини ташкил этади. Учинчи сайёранинг ҳажми Марсни билан



деярли бир хил («қизил сайёра» диаметри ер диаметрининг 0,53 қисмига тенг).

KOI-961 тизими сайёраларининг у қадар катта бўлмаган ҳажмига қараганда, уларнинг таркиби қаттиқ, тоқсимон моддалардан иборат. Самовий жисмлар ўз ёритишига жуда яқин жойлашган ва уларнинг айланиш даври Ердаги кунларнинг тахминан 0,5—2тасига тўғри келади. Юлдузнинг тортишиш кучи сабаб, улар фақат бир томонлама ёритишига қараган, дея тахмин қилинмоқда.

Олимлар тадқиқот доирасида очик базага эга «Кеплер» телескопи маълумотларидан фойдаланишганини таъкидлашди (KOI сўзи аслида Kepler Object of Interest — «қизил уйғотувчи кеплер объекти» сўзларининг биринчи ҳарфларидан ташкил топган). KOI-961 атрофида экзосайёраларнинг борлиги эса Кек ва Паломар обсерваторияси телескоплари ёрдамида амалга оширилган мустақил кузатишлар натижасида исботланган эди.

«Кеплер» телескопи 2009 йилда ишга туширилган бўлиб, унинг асосий мақсади узоқ мuddат давомида айланувчи экзосайёраларни топишдан иборат.

ҚОЯТОШЛАРДА АКС ЭТГАН ТАРИХ

Мексиканингуанахуато штатида маҳаллий археологлар муҳим ва қадимий топилмага дуч келишди. Тадқиқотчиларнинг сўзларига қараганда, улар жами уч мингга яқин қоятош расмларини топишган бўлиб, айрим тасвирлар тахминан 2 минг йиллик тарихга эга. Бу ҳақда «Компьюлента» нашри хабар қилди.

Қазиш ишлари олиб борилаётган худудларнинг қирққа яқинида узоқ ўтмиш қабилаларига тегишли тасвирлар топилад. Қояга ўйилган расмларнинг катта қисмида қадимий маросимлар тафсилотлари, шунингдек, қуш ва ҳайвонлар тасвири акс эттирилган. Дарвоқе, санъат асарларини яратишда асосан, қизил, қора ва сариқ ранглардан кўпроқ фойдаланилгани маълум бўлди.

Археологларнинг тахмин қилишича, қоятошлардаги тасвирларни ўша пайтда замонавий Гуанахуато штатида яшаган овчи қабилалар қолдирган. Шунинг таъкидлаш кераки, айрим расмларда тадқиқотчилар ҳозир маъноси номаълум тасвирларга ҳам дуч келишган.

ЯНГИ ГАДЖЕТ СОТУВГА ЧИҚАРИЛАДИ

Таҳлилчиларнинг фаразларига кўра, «Эппл» («Apple») компаниясига тегишли iPad планшет компьютерларининг учинчи талқини шу йилнинг март ойидан бошлаб дўкон пештахталаридан жой эгаллаши кутилмоқда. Бу ҳақда «Блумберг» агентлиги хабар берди.



Ускунанинги техник таъминоти, турган гапки, аввалги планшетларга қараганда анча мукамалроқ бўлиши режалаштирилган. Янги гаджет ҳозир ҳатто iPhone смартфонларида ҳам бўлмаган 4G алоқа стандарти билан таъминланади, деб хабар берди Газета.ру.

iPad планшетларининг биринчи авлодини Apple 2010 йилнинг январь ойида, иккинчи авлодини эса 2011 йилнинг мартда тақдим этганди. Ушбу мuddат ичида 40 миллионга яқин қурилма сотилган бўлиб, бу компанияга 23,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридан даромад келтирган.

«Эппл» билан ҳамкорликда иш олиб борувчи компаниялар маълумотига кўра, қурилма экранидagi пикселлар миқдори юқори тиникликка эга айрим телевизорларникидан ҳам кўпроқ бўлиши режалаштирилган.

Мавжуд ахборотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, iPadнинг учинчи талқинини яратиш устидаги ишлар йил аввалида бошланган бўлиб, февраль ойида бу жараён яна ҳам тезлашиши эҳтимоли бор.

В. ҚАРШИБОВЕВА тайёрлади.



Бутунжаҳон туризм ташкилоти ҳисоботида айтилишича, 2011 йил давомида жаҳон бўйича туристлар оқими ўтган йилга нисбатан 4,4 фоизга ошиб, 980 миллион кишини ташкил этган.

Жильо ороли соҳилларида ҳалокатга учраган «Коста Конкордиа» саёҳат лайнери бортида Испания, Италия, Франция ҳамда Перу фуқароларидан иборат 4234 кишилик экипаж бўлган ва айни пайтга қадар улардан 7 киши вафот этганди, 28 киши эса бедарак йўқолгани ҳақида маълумот бор.

Неаполнинг ўз вақтида тўланмаган соликлар ҳамда жарималарни йиғиш билан шуғулланувчи Эквиталия (Equitalia) давлат ширкати биноси қаршида номаълум шахслар томонидан кетма-кет содир этилган учта портлаш ҳеч кимга зарар етказмагани ҳақида маҳаллий полиция ходимлари хабар беришди.

Массачусетсда (АҚШ) бир моторли самолётнинг номаълум сабабларга кўра қулаши оқибатида 2 киши ҳалок бўлган.

2011 йилда Хитой Халқ республикасидаги шаҳарлик фуқаролар сони 21 миллион нафарга ошиб, 690,79 миллион киши ташкил этгани (51,27 фоиз) маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Тошкент автомобиль-йўллар институти проректори Носирхон Акбаровга онаси **МАЪРИФАТХОН** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент шаҳар педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси институтининг катта ўқитувчиси Гульшад Жабборовга онаси **Раҳима АБДУШУКУРОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети таъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси, Ўзбек филологияси факультети «Тил назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири, профессор Ҳамидулла Дадабоевга турмуш ўртоғи **Инобат ая АБДУВАЛИ** қизининг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
Сизларга қўйидаги қўлай шартли
омонатларни таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР	САҚЛАШ МУДДАТИ	ОМОНАТЛАР МИҚДОРИ	ИЗОХ
«Болаларнинг мақсадли омонати»	10 йил	Чекланмаган	Имтиёзли таълим кредити берилади
«Лидер»	6 ой	Чекланмаган	Қўшимча нақд пул маблағи қабул қилинади
«Коммунал хизматлари тўловига»	2 йил	Чекланмаган	Нақд пулсиз коммунал тўловларига ўтказилади
«Мадад-4»	9 ой	Чекланмаган	Омонатнинг муддати тугандан сўнг бонус тўланади
«Баркамол-1»	3 ой	Чекланмаган	
«Ҳамкорлик»	12 ой	Чекланмаган	
ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР	САҚЛАШ МУДДАТИ	ОМОНАТЛАР МИҚДОРИ	ИЗОХ
«Манфаат-2»	7 ой	Чекланмаган	Фоизлар омонатлар муддати тугандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича тўланади.
«Истиқпол-2»	3 ой	Чекланмаган	

Қўшимча маълумотларни
www.uzpsb.uz сайтидан
ва 120-45-42 рақамли телефони
орқали олишингиз мумкин.

«Ўзсаноатқурилишбанк»
ОАТБда сақланаётган аҳоли
омонатлари «Фуқароларнинг
банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди»
томонидан кафолатланган.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPIJANOV,
Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor
DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV
(bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),
Mahmuda MURZAYEVA, Husan
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib,
"Учитель Узбекистана"), Sa'dulla
HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. G-118.

Tiraj 55361.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib basish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirish sharti.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92 (faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Lilya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Sharifa MADRAHIMOVA.
Navbatchi: Sherall NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonadan manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

ЎЗА ахуни — 20.40
Топширилди — 21.00